


## Ш. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида соҳасида фаолият кўрсатаётган жами юридик шахслар сони 15934 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 18040 тага ёки 46,9 % га камайган. Шунингдек, 2019 йил январь-сентябрь ойларида вилоятда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида 1095 та хўжалик субъектлари янги ташкил этилди.

### Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётганлар юридик шахсларни ҳудудлар кесимида таҳлили, бирликда




2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 15484,3 млрд. сўмни ёки 2018 йилнинг шу даврига нисбатан

102,7 %, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14803,3 млрд. сўмни (102,5%), ўрмончилик хўжаликларидида 575,9 млрд. сўмни (103,3%), балиқчилик хўжаликларидида 101,7 млрд. сўмни (128,3 %) ташкил қилди.


Хусусан юқори ўсиш суръатлари Паркент (104,6 %) Қўйичирчиқ (104,6 %) Юқоричирчиқ (103,9 %) туманларида кузатилди. Бунга қарама-қарши равишда Янгийўл шаҳар (98,1%), Олмалик шаҳар (98,6%), ва Бекобод (101,6%) туманларда паст ўсиш суръатлари билан яқунланди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудлар бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ҳажми, млрд.сўмда**



Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотларининг (хизматлар)ининг катта ҳажми Бекобод 1546,1 млрд.сўмни ташкил этиб, ҳудудлар бўйича юқори кўрсаткични ташкил қилди, Бўстонлик ва Зангиота туманларида мос равишда 1225,8 млрд. сўм ва 1196,7 млрд. сўм кузатилди. Энг кам ҳажм Янгийўл (13,4 млрд. сўм) ва Оҳангарон (25,3 млрд.сўм) шаҳарларида қайд этилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)  
умумий ҳажмида ҳудудларнинг улуши**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлар (хизматлар)ининг умумий ҳажмида Бекобод туманининг улуши 10,0 % ни ташкил этди ва ҳудудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Бўстонлик тумани 7,9 %, Зангиота тумани 7,7 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади. Энг кам улуш Янгийўл шаҳар (0,1 %), Оҳангарон (0,2 %) ва Нурафшон (0,2 %) шаҳарларида қайд этилди.

## Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши




2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 102,7 % ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 47,2 % ни, чорвачилик маҳсулотлари – 52,8 % ни ташкил қилди.

**Деҳқончилик.** 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 437,6 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 427,1 минг тоннаси буғдой ташкил қилди. Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 1139,8 тонна пилла етиштирилди.

Бундан ташқари, барча тоифадаги хўжаликларда 263,8 минг тонна картошка казиб олинди (2018 йилга нисбатан 95,5 % ташкил этди), 776,2 минг тонна сабзавот (100,3 % кўп) йиғиб олинди, 29,9 минг тонна полиз экинлари (51 %), 92,4 минг тонна мева ва резаворлар (100,1 % ташкил қилди) ва 90,8 минг тонна узум (101,7 %) етиштирилди.

**2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида хуудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**



Хуудлар кесимида йиғиб олинган дон хосили таҳлил қилинганда юқори кўрсаткичлар Бекобод 68,9 минг тонна, Оққўрғон 61 минг тонна, Бўка туманларида 55,6 минг тонна, аксинча паст кўрсаткич Паркент туманида 9,7 минг тоннани ташкил этди.

Қазиб олинган картошканинг юқори кўрсаткичлари Бўстонлик 35623 тонна, Бекобод 25942 тонна, Пискент туманларида 23882 тоннани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Олмалиқ шаҳар 230 тонна, Оҳангарон шаҳар 295 тонна, Янгийўл шаҳар 306 тонна, Нурафшон шаҳар 426 тонна, Ангрен шаҳарларида 656 тоннани ташкил этди.

### Сабзавотлар (минг тонна)




### Полиз (тонна)



Етиштирилган сабзавот экинларининг юқори кўрсаткичлари Бекобод 146,1 минг тонна, Зангиота 85 минг тонна, Тошкент туманларида 79,7 минг тоннани ташкил этган бўлиб, паст кўрсаткич Олмалиқ 0,4 минг тонна, Янгийўл 0,7 минг тонна, Оҳангарон 0,8 шаҳарларига 0,1 минг тонна тўғри келди.

Полиз экинлари етиштириш ҳудудлар кесимида юқори кўрсаткич Бекобод 13079 тонна, Бука 3038 тонна, Паркент 2501 тонна ва Тошкент 1917 тонна кузатилди. Аксинча паст кўрсаткич Нурафшон 56 тонна, Янгийул 28 тонна, Ангрен 8 тонна ва Чирчиқ шаҳарларда 2 тонна тўғри келди.

### Мевалар ва резаворлар (тонна)



### Узум (тонна)




Энг кўп мевалар ва резаворлар етиштириш Бўстонлик 13217 тонна, Қибрай 11374 тонна, Тошкент туманларида 9683 тоннани ташкил этган бўлса аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 121 тонна ва Оҳангарон шаҳарларида 239 тоннани ташкил этди.

Узум етиштириш бўйича энг юқори кўрсаткич Пискент 49584 тонна, Бўстонлик туманлари 10345 тонна, Оҳангарон шаҳри 319 тонна бўлса, паст кўрсаткичлар Янгийул шаҳри 269 тонна, Ангрен шаҳри 150 тонна, Олмалиқ шаҳрида 45 тонна ва Бекобод шаҳрида 43 тоннани ташкил этди.

**Чорвачилик.** 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,0 % (жами 820,7 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,6 % (386 минг бош), қўй ва эчкилар 101,7 % (949,1 минг бош), отлар 104,4 % (48493 бош), паррандалар 104,2 % га (15,2 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 89,3 %, сут ишлаб чиқаришда 95,3 %, тухум ишлаб чиқаришда 55 % ташкил этди.

**2019 йил 1 октябрь ҳолатига ҳудудлар кесимида  
чорва моллари ва паррандалар бош сони**



Энг кўп қўй ва эчкилар Оҳангарон 214,3 минг бош, Бўстонлик 150,2 минг бош, Паркент туманларида 104,8 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 1,3 минг бош, Нурафшон 3,3 минг бош, Оҳангарон шаҳарларида 3,8 минг бошни ташкил этди.





Паррандалар сони бўйича энг юқори кўрсаткич Қибрай 2511,5 минг бош, Зангиота 1836,3 минг бош, Ўртачирчиқ 1705,5 минг бош бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 9,2 минг бош, Олмалик 19 минг бош, Бекобод шаҳарларида 36,8 минг бошни ташкил этди.

### 2019 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони

	минг бош	ўсиш суръати, %
<b>Йирик шохли қорамол</b>	<b>820,7</b>	<b>101,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	69,4	101,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	711,1	100,7
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	40,2	105,5
<b>улардан сизирлар</b>	<b>386</b>	<b>100,6</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	22,5	105,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	351,9	99,9
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	11,6	114,0
<b>Қўй ва эчкилар</b>	<b>949,1</b>	<b>101,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	271,2	101,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	641,1	101,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	36,8	122,4
<b>Отлар</b>	<b>48,5</b>	<b>104,4</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	7,8	102,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	38,8	104,5

	минг бош	ўсиш суръати, %
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,9	111,9
<b>Паррандалар</b>	<b>15203,1</b>	<b>104,2</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	414,5	49,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	8169,2	95,8
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	6619,4	126,9

### Чорва моллари ва паррандалар бош сонida хўжаликлар тоифаларининг улуши




- Фермер хўжаликлари
- Дехқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари
- Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 86,6 %, фермер хўжаликларида эса 8,5 %, шу жумладан,

сигирлар мос равишда 91,5% ва 5,8 %, қўй ва эчкилар 67,5% ва 28,6 %, отлар 79,9 % ва 16,1 %, паррандалар 53,8 % ва 2,7 % ташкил этди.

2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 195,4 минг тонна гўшт (2018 йилнинг январь-сентярига нисбатан (102,7% кўп), 715,9 минг тонна сүт (103,6 % кўп), 969,5 млн. дона тухум (101,6 % кўп) ишлаб чиқарилди.




Йирик шохли қорамоллар ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткични Бўстонлик 74,4 минг бош ва Бука туманларида 64,4 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 1,2 минг бош, Оҳангарон 1,3 минг бош ҳамда Нурафшон шаҳарларида 2,8 минг бошни ташкил этди.

Шу жумладан сигирлар энг юқори кўрсаткич Бекобод 34,3 минг бош ҳамда Бўка туманларида 31,5 минг бошни ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткичлар Янгийўл 0,8 минг бош ва Оҳангарон шаҳарларига 1,2 минг бош тўғри келган.


**2019 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган  
чорвачилик маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, %</i>
<b>Гўшт (тирик вазнда), минг т</b>	<b>195,4</b>	<b>102,7</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	8,5	102,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	163,4	100,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	23,5	124,2
<b>Сут, минг т</b>	<b>715,9</b>	<b>103,6</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	38	103,0
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	649,6	102,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	28,3	151,5
<b>Тухум, млн. дона</b>	<b>969,5</b>	<b>101,6</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	21,5	56,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	494,5	105,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	453,5	101,5

**Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби**  
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан % ҳисобида)





## 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш



2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида гўшт ишлаб чиқариш ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда энг кўп ишлаб чиқарган ҳудудлар Бўстонлик 18,4 минг тонна, Ўртачирчиқ 17,4 минг тонна, Зангиота туманлари 15,3 минг тонна бўлса, Янгийўл 0,1 минг тонна, Оҳангарон шаҳарларида 0,2 минг тонна кам ишлаб чиқарилган.

Бўстонлик 77,8 минг тонна, Бекобод 64 минг тонна, Юқоричирчиқ 52,1 минг тонна, Паркент туманлари 48,2 минг тонна сут ишлаб чиқариш бўйича юқори кўрсаткичлардан ўрин олган бўлса, аксинча Бекобод 0,9 минг тонна, Янгийўл шаҳар 1,1 минг тонна Нурафшон шаҳарлари 1,1 минг тонна сут ишлаб чиқариб нисбатан паст кўрсаткичлардан ўрин эгаллади.



Вилоятда тухум ишлаб чиқариш бўйича 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида энг юқори кўрсаткични Қибрай 174,5 млн.дона, Зангиота 145,5 млн.дона, Ўртачирчиқ туманларида 95 млн.донани ташкил этган бўлса, аксинча паст кўрсаткич Янгийўл 0,5 млн.дона, Олмалиқ 1 млн.дона ва Ангрэн, Бекобод шаҳарларида 1,6 млн.донани ташкил этди.

**Фермер хўжаликлари.** 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3014,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 20,5 % ташкил этди.

2019 йилнинг 1 октябр ҳолатига фермер хўжаликларида 69,4 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 22,5 минг бош сигир, 271,2 минг бош қўй ва эчкилар, 7811 бош от, 414,5 минг бош паррандалар мавжудлиги тасдиғини топди.

**2019 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

	<i>январь-сентябрь</i>				<i>2019 январь-сентябрга нисбатан % ҳисобида</i>
	<i>2018 йил</i>		<i>2019 йил</i>		
	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %</i>	<i>тонна</i>	<i>ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, %</i>	
Бошоқли дон	378517	94,7	421778	96,4	111,4
<i>шу жумладан: буғдой</i>	369671	94,8	411528	96,3	111,3
Картошка	41962	15,2	26501	10,0	63,2
Сабзавот	184622	23,9	146855	18,9	79,5
Полиз	15161	25,9	4254	14,2	28,1
Мева ва резаворлар	43478	47,1	34683	37,5	58,0
Узум	44355	49,7	37490	41,3	84,5
Гўшт, тирик вазнда	8312	4,4	8511	4,4	102,4
Сут	36912	5,3	38016	5,3	103,0
Тухум, млн. дона	37,8	4	21,5	2,2	56,9
Жун	261	13,5	278	13,9	106,5
Пахта	-	-	-	-	-
Пилла	745,1	72,3	881,8	77,4	118,3